

Судланувчига қилмишига номувофиқ жазо тайинланганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2007 йил 12 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2007 йил 25 июлдаги ҳукмига асосан, Д. Жиноят Кодексининг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан, Жиноят Кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 6 йил, 206-моддаси 2-қисми “в” банди билан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил, Жиноят Кодексининг 59-моддаси тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра Д. катта терговчи вазифасида ишлаб келган даврда мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда бир неча жиноятни содир этганликда, яъни:

гумондор А.нинг уйида тинтув ўтказиш пайтида А.нинг турмуш ўртоғи М.нинг 720.000 сўмлик мулкларини баённомага киритмасдан олиб кетиб, унга 720.000 сўм миқдорда зарар етказганликда;

фуқаро М.нинг қўлларига кишан тақиб, уни асоссиз равишда гиёҳвандлик воситасини сотганликда айблаб, унинг манфаатларига жиддий зиён етказганликда;

2007 йил 16 апрель куни М.ни гиёҳвандлик воситасини сотганлик учун жавобгарликка тортиш билан қўрқитиб, ундан 1.000.000 сўм пора талаб қилиб, ўзининг хизмат хонасида 200.000 сўмни пора тариқасида олганликда айбдор деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 60-бандида ҳар бир қилмиш учун алоҳида жазо тайинламасдан жиноятлар мажмуи бўйича жазо белгиланиши ёки алоҳида

жиноятлар учун жазо тайинланиб, жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинланмаслиги жиноят қонуни нормаларининг нотўғри қўлланилиши сифатида баҳоланиб, ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келиши тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан Пленум қарорининг бу талабларига риоя этилмаган.

Суд Д.га Жиноят Кодексининг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан, Жиноят Кодексининг 57-моддасини қўллаб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш, 206-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган бир вазиятда, унга Жиноят Кодексининг 59-моддаси тартибида жазо белгилашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини, жиноятлар мажмуи бўйича тайинламасдан фақат узил-кесил 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб хатога йўл қўйган.

Шунингдек, Жиноят Кодексининг 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд ушбу жиноят иши бўйича Д. томонидан бир неча жиноят содир этилган бўлиб, улардан бири ўта оғир жиноят туркумига кириши, унинг эгаллаб турган лавозимини инобатга олмасдан, айбига қисман иқрорлиги, оилавий аҳволи, муқаддам судланмаганлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб нотўғри баҳолаб, унга Жиноят Кодексининг 57-моддасини асоссиз қўллаб қилмишига номувофиқ, енгил жазо тайинлаган.

Апелляция инстанцияси суди юқорида қайд этилган ҳолатларга эътибор бермаган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2008 йил 5 июндаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилди.

ЖСҲ-157-08